

ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАЪЛИМНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАСИ
Д. И. МЕНДЕЛЕЕВ НОМИДАГИ РОССИЯ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ

ШЛЫКОВ ИЛЪЯ ВЛАДИМИРОВИЧ

DAPHNE MEZEREUM L. ДАН ДАФНЕТИН
(7,8-ДИГИДРОКСИКУМАРИН) АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктор философии (PhD)

Contents of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Шлыков Илья Владимирович

Daphne mezereum L. дан дафнетин (7,8-дигидроксикумарин) ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш3

Шлыков Илья Владимирович

Усовершенствование технологии извлечения дафнетина (7,8-дигидроксикумарина) из *Daphne mezereum L*21

Shlykov Ilya Vladimirovich

Improvement of the technology of extraction of daphnetin (7,8-dihydroxycoumarin) from *Daphne mezereum L*.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАЪЛИМНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАСИ
Д. И. МЕНДЕЛЕЕВ НОМИДАГИ РОССИЯ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ШЛЫКОВ ИЛЪЯ ВЛАДИМИРОВИЧ

***DAPHNE MEZEREUM L.* ДАН ДАФНЕТИН
(7,8-ДИГИДРОКСИКУМАРИН) АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Диссертация Д. И. Менделеев номидаги Россия Давлат кимё-технология университетининг Кимё-фармацевтик технологиялари ва биотиббидиёт препаратлари факултетининг “Допинг-ва гиёҳванд моддаларни экспертизаси” кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (аннотация) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik.kimyo.nuu.uz) ва «Zivonet» ахборот-таълим порталида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арсланов Шарафутдин Султанович.
Кимё фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Сайфутдинов Рамзиддин
Техника фанлари доктори, профессор

Холиков Турсунали Суюнович.
Кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг «_30_»_июнь_2025 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил Тошкент кимё-технология институти.

Диссертацияси билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 32 уй. Тел.: 8 71 244 79 15 факс: (99895)515-77-71, e-mail: info@tkti.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «___»_____ куни тарқатилган.

(2025 йил «___»_____даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, академик, т.ф.д., профессор.

Х.И. Кадиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор.

Г. Рахмонбердиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаг
илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш дастурларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилиб, тиббий ёрдам иқтисодий ва туристик жозибадорликни оширади. Аҳолини турли дори воситалари билан таъминлаш миллий хавфсизликнинг асосий мақсади ҳисобланиб, кимё ва фармацевтика саноати доривор ўсимликларни дори маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида кенг қўлланилиб, фармакологик хусусиятларга эга бўлган юрак-қон томир, тери, малигн неоплазмалар каби касалликларни даволашда ишлатиладиган *кумаринлар* сақлаган ўсимликлар асосида аммифурин, бероксан, псорален, лейкодерма ва думалоқ шаклдаги калликни даволаш учун пеуседанин, шунингдек атамантин, пастинасин, либанотин каби антиспазмодиклар, эскузан, вазотонин, вазокастан, коронар қон томирлар оҳангини камайтириш воситалари ва анти тромботик дорилар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ўсимликларнинг кимёвий таркибини ўрганиш, юқори самарали дори воситаларининг янги манбаларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, “*Daphne mezereum L.*” турига мансуб ўсимликлар таркибидаги органик моддаларни аниқлаш ва ажратиш технологияларини жадаллаштириш, қайта ишлаш асосида қиммат, саноатда мақсадли фойдаланиш мумкин бўлган препаратлар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Россия Федерациясида *Daphne mezereum L.*ни технологик, токсик таркибий қисмларни ўрганиш, фаол моддаларнинг табиатини аниқлаш ва ажратиш олиш, юқори самарали дори воситаларининг янги манбаларини аниқлаш, қайта ишлашнинг энергия ва ресурс тежамкор тизимлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Россия Федерациясининг ривожланиш стратегиясида, жумладан «мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари салоҳиятини янада ривожлантириш, ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада инсон саломатлиги, доривор ўсимликларни йиғиш, ташиш, сақлаш ҳамда қайта ишлашда инновацион технологияларини такомиллаштириш, кўп йиллик ўсимликларнинг илдиз тизими биосинтез маркази эканлигини тасдиқлаш, “Волчеягодник обикновенный” *Daphne mezereum L.* ўсимлиги мисолида дафнетин (7,8-дихидроксикумарин)ни ўсимлик бўйлаб тарқалганлиги ва илдиз тизимида сақланишини [(аккумуляция)ланиши] кўрсатишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Россия Федерацияси Президентининг 2024 йил 28 декабрдаги №4146-р «2030-2036 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2014 йил 8 апрелдаги № 651/172-сон «Стратегии развития химического и нефтехимического комплекса на период до 2030 года тўғрисида»ги, 2020 йил 6

¹ Россия Федерациясининг 2024 йил 28 декабрдаги №4146-р «2030-2036 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

июлдаги № 1512-р-сон «Сводной стратегии развития обрабатывающей промышленности Российской Федерации до 2030 года и на период до 2035 года тўғрисида»ги, 7 йил 2023 июн, 1495-р «Россия фармацевтика саноатини ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Сквозные технологиялар» (24.Технологии производства алотоннажной химической продукции включая особо чистые вещества, для фармацевтики, энергетики, и микроэлектроники) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Доривор ўсимликлар таркибидаги органик моддаларни аниқлаш ва ажратиш технологияларини жадаллаштиришга оид an-Zhong Yin, R. Montero-Vazquez, E. Mart'inez de la Ossa, John R. Dean J., Eggers, V.Louli., Irena Zizovic., Iraj Goodarznia, Be'ala Sima'andi, Yadollah Yamini, Koshevoy Ye.P., Siyunxov X.R., Derevich I.V., Chexov O.S., Shindyapkin A.A., Glushchenkova A.I., Sagdullaev A.A., Isabayev I.B., Serkaev Q.P., Abduraximov S.A., Gusakova S.D., A.T. Джалилов, Г. Рахмонбердиев, С.М. Турабджанов, А. Икрамов, С.Нурмонов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан, юқори самарали дори воситаларининг янги манбаларини аниқланган, ўсимликларнинг кимёвий таркибини топилган, кўп йиллик ўсимликларнинг илдиз тизими биосинтез маркази аниқланган, фармакологик хусусиятларга эга бўлган юрак-қон томир, тери, малигн неоплазмалар каби касалликларни даволашда ишлатиладиган кумаринлар сақлаган ўсимликлар асосида аммифурин, бероксан, псорален ва лейкодерма воситалари ва анти тромботик дорилар яратилган.

«*Daphne mezereum L.*» турига мансуб ўсимликлар таркибидаги органик моддаларни аниқлаш ва ажратиш технологияларини жадаллаштириш, қайта ишлаш асосида қиммат, саноатда мақсадли фойдаланиш мумкин бўлган препаратлар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича тадқиқотлар бугунги кунга қадар бажарилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Д.И. Менделеев номидаги Россия кимёвий технология университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Дори воситалари ва косметика маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ва допинг ва гиёҳванд моддаларни назорат қилиш тизимида замонавий технологиялар ва аналитик тадқиқот усуллари» мавзусидаги (2019-2021 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсад «*Daphne mezereum L.*» ўсимлиги таркибий қисмларини технологик ва фитокимёвий аниқлаш, таркибидан дафнетин

(7,8-дигидроксикумарин)ни ажратиб олиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«*Daphne mezereum L.*» ўсимлиги туркумига кирувчи дафнетин 7,8 - дигидроксикумаринни кимёвий таркибини ўрганиш;

ўсимликдаги биосинтез жараёнини таҳлил қилиб мақсадли маҳсулотини аниқлаш;

«*Daphne mezereum L.*» ўсимлигининг мақсадли маҳсулоти дафнетин 7,8 - дигидроксикумаринни миқдорини тезкор аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

«*Daphne mezereum L.*» ўсимлигининг таркибидан мақсадли маҳсулот дафнетин 7,8 - дигидроксикумаринни ажратиб олишнинг самарали усуллари ўрганиш;

«*Daphne mezereum L.*» ўсимлиги таркибидан дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “*Daphne mezereum L.*” салқин, нам игнабаргли ва баргли ўрмонларда, дарё водийлари бўйлаб, кесилган ва ёнган ўрмонлар худудида, оҳакли ва гипсли тупроқларда ўсувчи навлари, Тромбофлебит ва геморройни даволовчи пепаратлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети табиий фармакологик фаол ва заҳарли Thymelaeaceae (“волчниковие”) оиласининг *Daphne mezereum L.* турини технологик, токсик таркибий қисмларни аниқлаш, фаол моддаларнинг табиатини ва ажратиш ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини бажаришда аналитик тадқиқотнинг юпқа қатламлик хроматография, газ хроматографияси/Масс-спектрометрия, дериватизация билан биргаликда ГХ-МС, инфра қизил спектроскопия каби замонавий таҳлил усулларидан фойдаланилган ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Daphne mezereum L.* ўсимлигида *Thymelaeaceae* оиласи ўсимликларнинг илдиз тизимидаги дафнетин (7,8-дигидроксикумарин) мавжудлиги исботланган;

*Daphne mezereum L.*ни таркибида дафнетин бўлган морфологик қисмлари, микро ва макроскопик хусусиятлари аниқланиб, унинг илдиз қисмида 3-5 % гача дафнетина (7,8-дигидроксикумарин) борлиги исботланган;

Daphne mezereum L. ўсимлигидан дафнетин (7,8 - дигидроксикумарин)ни экстракциялашда изопропил спирти самарали экстрагент эканлиги аниқланган;

дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни молекуласи бир ёки бир неча водород атомлари ва (ёки) гидроксил гуруҳларини алмаштириш (расмий алмаштириш) натижасида ҳосил бўлган синтетик ёки табиий (натив) моддалар эканлиги аниқланган;

«*Daphne mezereum L.*» ўсимлиги таркибий қисмларини технологик ва фитокимёвий аниқланиб, таркибидан дафнетинни ажратиш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

Thymelaeaceae оиласи ўсимликларининг хом ашёсини йиғишнинг оптимал мавсумий вақти (сентябр-октябр) аниқланган ва ўсимлик хом ашёсини кейинги қайта ишлаш параметрлари аниқланган;

Daphne mezereum L. ўсимлик хом ашёсини изопропил спиртида экстракциялашнинг мақбул параметрлари аниқланган;

Daphne mezereum L. ўсимлик хом ашёси ва унинг иккиламчи ресурсларини қайта ишлаш, шунингдек доривор маҳсулотларга айлантириш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юқори импакт факторли илмий журналларда чоп этилиши, тажриба натижалари ва математик моделлаштириш усуллари орасидаги мослик, норматив технологик ҳужжатларнинг тасдиқланганлиги, *Daphne mezereum L.* ўсимлик хом ашёси ва унинг иккиламчи ресурсларини қайта ишлаш, шунингдек доривор маҳсулотларга айлантириш тизимининг такомиллаштирилган технологиясини саноатга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Daphne mezereum L.* ўсимлик хом ашёси ва унинг иккиламчи ресурсларини изопропил спиртида самарали экстракциялаш билан дафнетин (7,8 - дигидроксикумарин) ажратилганлиги, дафнетин асосида янги тиббий пластырьнинг комплекс таркибни олиш илмий асосларини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кимё ва фармацевтика саноатида кенг қўлланиш учун, фармакологик хусусиятларга эга бўлган юрак-қон томир, тери, малигн неоплазмалар каби касалликларни даволашда ишлатиладиган кумаринлар сақлаган *Daphne mezereum L.* ўсимлигини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «*Daphne mezereum L.*» ўсимлиги таркибий қисмларини технологик ва фитокимёвий аниқлаш, таркибидан дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни ажратиш олиш технологиясини такомиллаштириш эришилган илмий натижалар асосида:

дафнетин олиш усулига Россия Федерацияси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (2025 йил 24 март № 2836895). Натижада «*Daphne mezereum L.*» ўсимлиги таркибидан дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни самарали ажратиш имконини берган;

*Daphne mezereum L.*дан дафнетин (7,8-дигидроксикумарин) ажратишнинг такомиллаштирилган технологияси ЭКСКЕРАМО МЧЖ (Москва, Россия)да ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилинган (ЭКСКЕРАМО МЧЖнинг 2023 йил 3-ноябрдаги ишлаб чиқаришга жорий қилиш №18.01/2023-сон далолатномаси). Натижада дафнетин (7,8-дигидроксикумарин) спиртли экстрактлар композициялари ишлаб чиқариш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш, шулардан 1 та патент, 4 та илмий мақола, шу жумладан 2 та Scopusда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг "Кириш" қисми мавзунинг долзарблигини асослайди, мақсад ва вазифаларни, ўрганиш объекти ва предметини белгилайди, унинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини ёритади, тадқиқот натижаларининг ишончлилигини, шунингдек унинг илмий ва амалий аҳамиятини асослайди, ишнинг апробацияси ва тадқиқот натижалари тўғрисида маълумот берган.

Диссертациянинг биринчи боби илмий адабётлар шарҳига бағишланган бўлиб тадқиқот объекти – “Волчеягодник обикновенный” – *Daphne mezereum L.* ўсимликлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган ва аналитик таҳлил қилинган. Натижада адабий ботаника идентификаторга асосланиб ўсимликнинг мумкин бўлган фитокимёвий таркиби аниқланган. Булар:

- Домен: *Eukaryota* (эукариоты)
- Қироллик: *Plantae* (ўсимлик)
- Бўлим: *Angiosperms* (гулловчи (цветковые))
- Синф: *Magnoliopsida* (иккихиссалик(двудольные))
- Тури: *Malvales* (кам гуллик (мальвоцветные))
- Оиласи: *Thymeleaceae* (бўривий (волчниковые))
- Жинси: *Daphne* (Бўримева Волчеягодник)
- Ўсимлик тури: *Daphne mezereum L.* (“Волчеягодник обикновенный”)

Daphne mezereum L. – баландлиги 0,5 дан 1,5 метргача бўлган, сарғиш-кулранг пўстлоғлик, тик ёки ёйилган шохли бута. Шохлари ялонғоч, пастки қисмида ўтган йилги баргларнинг излари бор. Барглари навбатма-навбат, шохларнинг учларида гавжум, узунлиги 3-8 см ва кенглиги 1,5 – 2 см, чўзинчоқ лансолат, ўтмас, чўзилган ва бироз кирпичли, юқорида яшил, пастда мавимси. Гуллар ўтган йилги барглар қўлтиғида ўтирган, 3-5 дона пушти (var. *rubrum* Ait) ёки оқ (var. *album* Ait.), хушбўй. Ўсимлик гулининг босилган тукли оёқчалари узунлиги 6-8 мм найзасимон найча, лаблари кенг, тухумсимон, тўмтоқ, найчадан бир ярим баравар қисқа. Ўсимликнинг шўраси кичик, найчадан 3 баравар қисқа.

Илмий адабий манбалардан аниқланишича “Волчеягодник обикновенный” халқ табобатида ва кенг спектрли дори-дармонларнинг янги турлари учун ўсимлик хом ашёси сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот мавзусининг умумий табиати бўйича замонавий илмий ишларни ўрганишга кўра, *Daphne* ўсимликлар биосинтезини ҳозирги вақтда олимлар таҳлил қилмоқдалар деган хулосага келиш мумкин. Ўсимликни юқори сифатли навларини етиштириш уни фитоматериал сифатида фойдаланиш имкониятини

беради. Адабиётларда шунингдек дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни, “волчегодник обикновенный *Daphne mezereum* L.ни ўсиши жараёнидаги биосинтезнинг назарий модели ўрганиб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «“Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum* L. ўсимлигининг таркибий қисмларини фитокимёвий ўрганиш» деб номланган бўлиб унда мавзуга тегишли адабиётлар таҳлилидан назарий жиҳатдан, ўсимлик таркибида турли хил кумаринлар ва уларнинг ҳосилалари борлиги аниқланди. Ушбу кумаринлар ўсимликнинг таркибий қисмларида турли фазлларда бўлиши мумкинлиги қайд қилинди.

Жумладан биокимёвий тадқиқотларда кўплаб муаллифлар кумарин ҳосилалари йиғиндисини ёки битта моддани ўрганишга этибор беришган. Ушбу ёндашув ўсимлик ҳаёти жараёнида кумаринларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш имкониятини чеклаб қўйган. Шунинг учун кумарин комплексларини таркибий қисмларини аниқлашга йўналган тадқиқотлар алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки улар бизни ўсимликлардаги биосинтез жараёнини тушунишга имкон беради ва янги тадқиқотларга йўл очади. Хусусан, турли олимларнинг тажрибалари оддий от каштанаи– *Aesculus hippocastanum* L. ўсимликлгининг вегетация даврида кумаринг ликозид ва уларнинг агликоларини нисбатини ўзгариши кўрсатган. Шунингдек оддий от каштанаи– *Aesculus hippocastanum* L. баргларида асосан оксикумаринларнинг гликозид шакли мавжудлиги аниқланди.

Адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кумарин ўз ичига олган ўсимликларни йиғиш вақтини тўғри аниқлаш хом ашё сифатини ва фитокимёвий тадқиқотлар натижаларининг ишончлилигини белгиловчи омиллардан биридир. “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum* L. оксикумаринлар таркибидаги мавсумий тебранишларни, уларнинг ўсимлик алоҳида органлари ўртасида тақсимланиши этиборга лойиқ илмий қизиқиш уйғотади.


Daphne mezereum L қишга чидамли ўсимлик турларга мансуб бўлиб, улар қишга чидамли бўлмаган турлардан вегетатсия даврининг эрта бошланиши, қисқа кучли гуллаш ва куртаклар ўсиши, дарахтнинг майда ўсиши ва баргларнинг ўз вақтида тушиши билан ажралиб туради. Бу хусусиятлар заҳира моддаларининг тўпланишига, ёш куртакларнинг эрта лигнификациясига ва қишга яхши тайёргарлик кўришга ёрдам беради. Турли олимларнинг кумаринлар ва уларнинг ҳосилаларини ўз ичига олган ҳар хил турдаги ўсимликлар билан таҳлил қилинган тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мақсадли кумаринларни аниқлаш ва олиш учун ўсимлик хом ашёсини йиғиш учун энг мақбул вақт гуллаш ва меваларнинг пишишидан кейин йилнинг куз даври ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби– “Дафнетинни ажратиб олиш услуги” (амалиёт қисми)да “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum* L. ўсимлик хом ашёсининг турли хил таҳлилий тадқиқотлари ёритилган.

Ушбу бобда ўсимлик хом ашёси билан амалий аналитик тадқиқотларнинг энг замонавий усуллари, жумладан: юпқа қатламли хроматография (ЮҚХ)

тахлили, газ хроматографияси/Масс-спектрометрия (ГХ– МС) тахлили, дериватизация билан қўшма ГХ– МС тахлили, инфра қизил спектроскопия (ИК) тахлили ёрдамида ўтказилган амалиётлар ёритилган. Тадқиқот натижасида *Daphne mezereum L.* ўсимлигининг илдиз тизимида мақсадли маҳсулот – дафнетин (7,8-дигидроксикумарин), шунингдек, ўсимлик таркибида анъанавий ҳамроҳ бўлган компонентлар– органик эритувчилар кислоталар, полимерлар ва бошқа моддалар топилган:

–додекан (1- расм, 1- чўққининг шаклланиш вақти 9,29 минут);



1. расм. Қуритилган *Daphne mezereum L.* нинг изопропил спирти экстрактивининг хроматограммаси

–1,3 – диметилбензол (1- расм, 2- чўққининг шаклланиш вақти 10,39 минут);

–2,4 – декадиеналь (1- расм, 3- чўққининг шаклланиш вақти 11,80 мин);

– тетрадекан (1- расм, 4-, чўққининг шаклланиш вақти 13,00 минут);

– гексадекаметилциклооктасилоксан (1- расим, 5- чўққининг шаклланиш вақти 15,88 минут);

– пальмитин кислота (1- расм, 6- чўққининг шаклланиш вақти 19,62 минут);

– Лиолен кислота ($C_{17}H_{31}COOH$; 1- расм, 7- чўққининг шаклланиш вақти 21,23 мин);

– сквален ($C_{30}H_{50}$; 2,6,10,15,19,23-гексаметилтетракоза-2,6,10,14,18,22-гексаен (1- расим, 8- чўққининг шаклланиш вақти 26,86 минут);

– β -ситостерол ($C_{29}H_{50}O$; 1- расм, 9- чўққининг шаклланиш вақти 35,35 мин).

Ўсимлик хом ашёси “Волчягодник обикновенный” *Daphne mezereum L.* ни тахлилий тадқиқотлар асосида микро ва макроскопик хусусиятлари, таркибида дафнетин бўлган морфологик қисмлари ўрганилди. ИҚ спектроскопия ёрдамида ўсимлик хом ашёсининг мақсадли маҳсулоти *Daphne mezereum L.* концентратсиясини тезкор аниқлаш усули ишлаб чиқилди ва тадқиқотда фойдаланилди. Бунда ИҚ спектроскопиянинг шикастланган тўлиқ ички акс (ШТИА) ярим микдорий усулидан фойдаланиб, Москва вилояти тупроғидан 2015 йилнинг сентябр ойида кавлаб олинган Волчягодник обикновенный *Daphne mezereum L.* нинг илдиз қисмида 5%гача, ва 2023 йилнинг 9 май санасида кавлаб олинган “Волчягодник

обикновенный” *Daphne mezereum L.*нинг илдиз қисмида эса 3 %гача, дафнетина (7,8-дигидроксикумарин) борлиги аниқланди.

Намуналар бевосита натив ҳолатда олинганлигини ҳисобга олиб ишонч билан айтиш мумкин, 2015 йилда Москва вилоятининг Наро-Фоминск тумани тупроғидан қазиб олинган қуритилган ва илдиз отган илдиз тизимида “волчегодника обикновенный” *Daphne mezereum L.*нинг қуритилган илдизида 5 %гача дафнетин (7,8-дигидроксикумарин) мавжуд ва ажратиб олинди. Бироқ шу ҳудуд тупроқларидан 2023-йилнинг 9-май санасида қазиб олинган “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.* таркибида дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни миқдори 3 %гачани ташкил қилди ва ажратиб олинди.

Юқорида келтирилган ИҚ спектроскопик ва экстракция усулларини таққослаш аналитик тадқиқотларда ШТИА усулидан фойдаланишнинг яроқлилиги ва усулнинг илмий янгилигини тасдиқлайди.



2- расм. ЮҚХ таҳлилидан сўнг хроматографик плиталар, элюент тизими: «хлороформ:сирка кислотаси:сув (4:1:1)»


Бундан ташқари, “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.*дан дафнетинни (7,8-дигидроксикумарин)ни самарали экстракция қилишнинг янги усули ишлаб чиқилди ва ўсимлик хом ашёсини илмий тадқиқ қилиш учун мақбул шароит ва жихоз ускуналар танланди.

Хом ашёни сифатли хроматографик таҳлил қилиш учун стационар фаза орқали ўтадиган, ҳаракатланувчи фаза сифатида ишлатилиши мумкин бўлган юқори селективликга эга тизим (элюент тизими) аниқланди ва қўлланилди. Ўтказилган тадқиқотлар дафнетинни (7,8 - дигидроксикумарин)ни ЮҚХда таҳлил қилиш учун «хлороформ:сирка кислотаси:сувдан иборат (4:1:1)» тизим энг самарали эканлигини қайд этилди (2- расм).

Тадқиқотнинг яна бир этиборга лойиқ жихати, “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.*нинг ва унинг иккиламчи маҳсулотлари таркибидаги целлюлоза фоизини тезкор аниқлаш бўйича амалий ва таҳлилий ишлар олиб борилди (3- расм). Инфрақизил спектроскопия шикастланган тўлиқ ички акс (ШТИА) усулида *Daphne mezereum L.* ўсимлиги хом ашёсида ва унинг иккиламчи маҳсулотларида целлюлоза борлиги ва целлюлозанинг фоиз миқдори тезкор усулда аниқланди.

Ўсимликнинг илдиз тизимини қазиб олиш натижасида олинган иккиламчи моддалар, шунингдек, илдиз қисмини майдалаш натижасида олинган майда кукун уч босқичда амалга оширилган делигнификацияга учратилди: - 20° С

ҳароратда бир соат давомида нитрат кислота эритмаси бўктирилди, кейин 80-90°C ҳароратда пиширилиб; ортидан ИР-1-ЛТ AASET NF 6000 ротли буғлантириш ускунасида натрий гидроксиди эритмаси била 3 соат давомида 90°C ҳароратда лигнин ва гемицеллюлоза экстракция қилинд. Филтрлаш ва куриштишдан сўнг соф целлюлозанинг унумдорлиги 25 фоизни ташкил қилади.



3 расм. “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.*нинг илдизидан олинган целлюлозанинг (объект 1) ва 68 %ли референс целлюлозанинг ИҚ спектрограммаси.

Диссертациянинг тўртинчи боби


“Дафнетинни (7,8-дигидроксикумаринни тадбиқ қилиш)”да ушбу мақсадли маҳсулотдан фойдаланишга бағишланган илмий адабий манбаларнинг танқидий таҳлили ёритилган. Танқидий таҳлил натижаларига кўра, *Daphne mezereum L.* ўсимлиги кенг спектрли дори воситалари ишлаб чиқариш учун кўп тармоқли фито-хом ашё эканлиги ҳақида хулоса қилинди. Тадқиқот натижасида дафнетин ўсимлигининг илдиз қисмида аниқланган дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.* таркибидаги барча кумаринлар туркумининг энг долзарб ашёси бўлиб чиқди. Дафнетиннинг терапевтик хусусиятлари:

- артритни даволаш;
- ўпка хасталигида эндотоксин даволаш;
- энцефаломиелитни даволаш;
- панкреатитни даволаш;
- жигар етишмовчилигини даволаш;
- нефротоксиликка қарши кураш;
- қантли диабетни даволаш;
- ЛПС таъсирида эндотоксемияга қарши фаол;
- мия ишемиясига қарши фаол;
- нейроинфламацияга қарши кураш (микроглиоцитлар сонининг кўпайиши);
- псориаз симптомларини олиб ташлаш;
- лейкокемияга қарши курашда фаол;
- саратонга қарши восита лар эканлиги диссертацияда қайд этилган.

Ўсимлик ҳом ашёсини кузги йиғишнинг самаралилиги назарияси, шунингдек, йиғилган ҳом ашёни ушбу тадқиқот натижасида танланган усулда қайта ишлаш усулини тўғрилиги ўтказилган тадқиқотлар натижасига таяниб тасдиқланди. Диссертация изланиш объекти “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.*ни толали илдиз тизими целлюлоза олиш ҳом ашёси сифатида Тибетда қоғоз ишлаб чиқариш учун муваффақиятли ишлатилаётганлиги, диссертация мавзусини хорижий илмий тадқиқотлар билан ҳамнафаслиги, тадқиқотнинг амалий аҳамияти ва тадқиқот натижаларининг ишончлилигини тасдиқлайди. Шунингдек Шарқ давлатларида дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)нинг тармоқланган терапевтик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган: тиббий пластир, малҳам, сурков мойи ва маҳсулоти ишлаб чиқилган.

Диссертация изланиши натижасида, дафнетин асосида янги тиббий ёпишқоқ восита (лейкопластир) олиш учун “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.*ни қайта ишлашнинг иккиламчи маҳсулотларидан олинган қоғоз устига, доривор модда дафнетинни сурковчи ва ушбу қоғозни резина тагликга ёпиштирувчи ускунада амалга ошириш таклиф этилган.

**Тиббий ёпишқоқ гипсни олишнинг технологик схемаси
фаол модда – дафнетин билан қўлланиладиган ёпишқоқ целлюлоза асоси
(*Daphne mezereum L.*)**



Бунда дафнетин асосида ишлаб чиқариладиган янги тиббий пластирнинг ташувчиси таркиби 30%дан кам бўлмаган каучукдан резина, 20% канифольдан, 30 % цинк оксидидан, таглик асос сифатида 10% парафиндан, 7% ланолиндан ва 3% вазелин ёғидан иборат бўлган комплекс таркиб тавсия этилган. Таклиф этилаётган янги тиббий ёпишқоқ восита (лейкопластир)нинг ташувчиси резина, розин (канифоль) цинк оксиди, парафин, ланолин, вазелин мойидан иборат бўлиши лозимлиги мавзуга оид илмий адабиётлар таҳлили ва ўтказилган тадқиқотлар асосида тавсия этилган.


Розин (канифоль) тиббий ёпишқоқ восита (лейкопластир)нинг ёпишқоқлигини таъминлайди, цинк оксиди терини безовта қилувчи кислоталарни нейтраллайди ва қуритади, ланолин ва вазелин мойи лейкопластирнинг пластификатори сифатида ишлайди. Органик эритувчи (бензин) тиббий ёпишқоқ восита (лейкопластр)га юқорида қайд этилган компонентларини елимлаш учун эритувчи сифатида қўл келади.

Дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)нинг фармакологик хусусиятларни ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда уни фарм-фаол ҳосилаларнинг нозик органик синтези учун хом ашё сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Илмий манбаларни чуқур таҳлили шуни кўрсатдики, кимёвий матрицани бирламчи хусусиятларини сақлаб қолиш фақат молекуляр тузилишнинг гидроксил гуруҳдаги водород атомларини чекланган равишда расмий алмаштириш билан эришиш мумкин. Дори воситаларининг асосий "мўлжаллари": организмдаги рецепторлар, ферментлар, ион каналлари, транспорт тизимлари ва бошқалар бўлганлиги учун рецепторлар препарат ва тананинг ўзаро таъсирини таъминлайдиган махсус уяли тузилмалар ҳисобланади. Демак рецепторлар фақат ўзига хос ва мос кимёвий тузилишга эга бўлган дорилар билан ўзаро таъсирлашади, яъни селективлик хусусиятига эга.

Демак, дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни ҳосилалари кимёвий тузилиши бир ёки бир нечта водород атомлари ва (ёки) гидроксил гуруҳларини алмаштириш (расмий алмаштириш) натижасида ҳосил бўлган синтетик ёки табиий (натив) моддалар сифатида қаралиши мумкин. Дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни бошқа моновалент ва (ёки) икки валентли атомларга ёки, улардаги углерод атомларининг умумий сони дафнетиннинг асл кимёвий тузилишидаги углерод атомлари сони 9 дан ошмаган ўринбосарларга алмаштирилган ҳосилалари бўлиши мумкин.


Бир ёки бир нечта водород атомларини (4 а- расм) ва (ёки) гидроксил гуруҳларини расмий алмаштириш дафнетин (7,8-дигидроксикумарин) структурасининг ўзида электрон заряд тақсимооти муҳим рол ўйнайди, электрон заряд тақсимооти ўз навбатида турли кучларнинг таъсирида кимёвий боғланишларда электрон зичлигининг тақсимланишига боғлиқ, 4 а- расм.




4 а- расм. Дафнетин (7,8-дигидроксикумарин) молекуласидаги электрон заряд зичлигининг схематик тақсимланиши.



4 б- расм. *Daphne mezereum L.* нининг илдизи



Дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)



5 расм. Дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)га ўхшаш фармакологик хусусиятларга эга бўлган ҳосилалари.

Бунда, дафнетин (7,8-дигидроксикумарин) молекуласи структурасининг ўнг қисмидаги карбонил гуруҳида манфий мезомер ва индуктив эффект (таъсир) кузатилади, кутбли $C=O$ боғланишнинг π - орбиталининг қопланиши натижасида электрон зичлик кўпроқ электро манфий кислород атоми томон силжийди.

Молекула структурасининг чап қисмида эса манфий индуктив ва мусбат мезомер эффектлар ҳосил бўлади, электронлар зичлиги бензол ҳалқасига (молекуласи структурасининг чап томони) силжийди, 4- расм. Бу электрон жуфтлиги бўлган, гибридланмаган кислород атомининг р-орбиталини бензол ҳалқасининг π - тизими томонидан қопланиши (р, π жуфтлашиши) натижасида амалга ошади.

Шундай қилиб, дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)нинг фармакологик таъсирни сақлайдиган янги тузилмаларни, уларни минимал харажатлар билан кимёвий синтезини дафнетиннинг гидроксил гуруҳларидаги водородни расмий алмаштириш ёки гидроксил гуруҳларини ўзини алмаштириш натижасида ҳосил бўлган моддалар деб қабул қилиш мумкин.

Дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)нинг кимёвий матричасига ўхшаш янги тузилмаларни шакллантириш схемаси 5 расмда келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг иқтисодий самарадорлиги

Диссертацияда ўсимлик хом ашёсидан дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни, тадқиқот натижасида таклиф этилган усулда, лаборатория шароитида ва саноатда кимёвий ишлаб чиқарувчидан сотиб олишдаги харажатлар ва иқтисодий самарадорлик 1 жадвалда ёритилган.

1 жадвал

Лаборатория шароитида ва саноатда кимёвий ишлаб чиқарувчидан сотиб олишдаги харажатлар ва иқтисодий самарадорлик

Усул	Реактивлар (аут) (рубл. 1 кг учун.)*	Меҳнат сиғими (руб.)**	ЖАМИ, 1 кг дафнетинга
«Пехман усулида синтез» (самарадорлик 40-50%)	Пиррогалол (40 000,00) Олма кислотаси (2200) Сульфат кислота, конц. (1500)	1. Иситиш (6,17 р/ кВт•ч) 2. Жараённи биладиган лаборант	85 900 р. + электр учун тўлов + лаборантнинг иши учун тўлов (камида 60 000 рубл).
«Гуттерман ва Кебнер усулида синтез» (самарадорлик 50 % гача)	Пиррогалол (40 000,00) Сирка ангидрид (15 000) Натрий ацетат (5 000) Сульфат кислота, суюлтирилган. (1 000)	1. Иситиш (6,17 р/ кВт•ч) 2. Жараённи биладиган лаборант	122 000 р. электр учун тўлов + лаборантнинг иши учун тўлов (камида 60 000 рубл).
Кимёвий реагентлар ишлаб чиқарувчисидан сотиб олиш Daphnetin (CAS 486-35-1)	Бозор қиймати дафнетин – 10450 р. за 0,005 г.	-	1. Модданинг токсиклиги туфайли етказиб беришда қийинчилиги 2. Нархи жуда баланд,– 1 кг учун 10 000 000 рублдан ортиқ. ЖАМИ: 10 000 000 рублдан ортиқ

1 жадвал давоми

Ўсимлик хом ашёси <i>Daphne mezereum L.</i> дан изопропил спирти билан экстракция қилиш усули	1 бута– 300 р. (таркибида 2% дафнетин бўлган 5 кг қуруқ илдиз хом ашёси) Изопропил спирти– 1 л (200 р.)	Иситиш (6,17 р/ кВт•ч). 2023 йил учун Москвада ўртача ойлик иш ҳақи	Ўртача 200 литр изопропил спирти (40 000 р.) + 10 ўсимлик (3000 р.) + электр тўлови + лаборантнинг иши учун тўлов (камида 60 000 р.) ЖАМИ: 43 000 р. + 60 000
---	--	---	---

– * Очiq интернет манбаларидаги савдо майдончаларига кўра, 2023 йил август ҳолатига кўра;
– ** Мосстатнинг 2023 йил август ойидаги расмий статистик маълумотларига кўра.

“Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.* ни қайта ишлашнинг иккиламчи маҳсулотларидан целлюлоза олиш учун ўсимлик массасини очiq ҳаводаги қуруқ ҳолатигача қуритиш кераклиги, 5 кг ўсимлик илдизидан ўртача 2 кг целлюлоза олинши ҳисобга олинган ҳолда харажатлар ва иқтисодий самарадорлик ҳисобланган ва диссертацияда келтирилган.

Ўсимлик хом ашёси– “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.* дан 1 кг дафнетин (7,8-дигидроксикумарин) ни экстракция усулида ажратиб олиш учун иқтисодий самарадорлик, бозор нархлари (1 кг маҳсулот учун 10 000 000 рубл эканлигини ҳисобга олган ҳолда:

$$Эф = \text{Бозор нархлари} / \text{харажатлар} = 10\,000\,000 / (43\,000 + 60\,000) = 97,08 \text{ рубл } 1 \text{ кг дафнетин (7,8-дигидроксикумарин) учун}$$

Шу билан бирга, маҳсулотни олишнинг қиёсий иқтисодий самарадорлиги лаборатория усуллари билан ҳам устундир (1 жадвал):

1) *Харажатлар (лаб. синтез 1) – Харажатлар (янги техника) = (85 900 + 60 000) – (43 000 + 60 00) = 42 900 рубл / ҳар бир кг маҳсулот учун;*

2) *Харажатлар (лаб. синтез 2) – Харажатлар (янги техника) = (122 000 + 60 000) – (43 000 + 60 00) = 79 000 рубл / ҳар бир кг маҳсулот учун.*

Ўзбекистон Республикасининг экологик мураккаб минтақаси – қуриган Жанубий Орол денгизининг 1 гектар (10 000 м²) ер майдонида, Амударё дельтасининг 1-экологик– ўрмонларни муҳофаза қилиш зонасини ташкил этиш учун, буталар оралиҳи 2 м бўлган ҳолда 2 000 га яқин бута талаб қилинади.

Назарий иқтисодий фойда: 2 000 бута илдиз тизими = 4 тонна қуруқ хом ашё ёки = 200 кг дафнетина = (2 млрд. рубл). Целлюлоза – 5 тонна (тахминан. 1 000 000 рубл).

Жами: 2 миллиард рублдан ортиқ ва ижобий экологик таъсир.

Меҳнат харажатлари: 6 йил “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.* ни етиштириш, хом ашё учун 600 000 рубл, сув таъминоти,

40 000 литр, изопропил спирти – 8 миллион рубл. Ҳодимларнинг (3-5 киши) ойлик иш ҳақи– 35 000 рубл) = 6 300 000 рубл.

ЖАМИ: 14 900 000 рубл.

Эф = 2 001 000 000 / 14 900 000 = 134,29 (1 га экиш учун).

ХУЛОСА

Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра қуйидаги хулосаларни такидлаш мумкин:

1. Морфологик ва анатомик тадқиқотлар “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.* ўсимлигининг ҳос белгиларини диагностик аниқлаш имконини берди: поядаги ўтказувчи тўпламлари айлана шаклида жойлашган; поянинг иккиламчи қалинлашуви мавжуд; барглари тўрсимон “томир”ли.

2. “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.* ўсимлиги хомашёси йиғим теримининг оптимал мавсумий муддати – сентябр-октябр ойлари эканлиги, ҳамда хом ашёни кейинги қайта ишлаш параметрлари аниқланди.

3. Дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни ўсимлик хом ашёсидан янги, изопропил спирти билан, совуқ экстракция қилиш усули ишлаб чиқилди. Дафнетинни изопропил спирти билан экстракция қилишни ацетон билан экстракциясидан устиворлиги кўрсатилди.

4. Хом ашёни сифатли хроматографик таҳлил қилиш учун стационар фаза орқали ўтадиган, ҳаракатланувчи фаза сифатида ишлатилиши мумкин бўлган юқори селективликга эга бўлган тизим (элюент тизими) аниқланди ва қўлланилди. Дафнетин (7,8 - дигидроксикумарин)ни ЮҚХда таҳлил қилиш учун энг самарали тизим “хлороформ:сирка кислотаси:сув” ва унинг миқдорий бирлиги (4:1:1) аниқланди.

5. Кўп йиллик ўсимликларнинг илдиз тизими биосинтез маркази эканлиги ҳақидаги назария тасдиқланди. “Волчегодник обикновенный” *Daphne mezereum L.* ўсимлиги мисолида дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни ўсимлик бўйлаб тарқалганлиги ва илдиз тизимида сақланиши [(аккумуляция)ланиши] кўрсатилган.

6. ИҚ спектроскопиянинг ташқи тўлиқ ички акс (ТТИА) усулида “Волчегодник обикновенный” ўсимлик хом ашёсидаги дафнетин (7,8-дигидроксикумарин) ва целлюлоза фоизини тезкор аниқлашнинг ярим миқдорий усули синовдан ўтказилди.

7. “Волчегодник обикновенный” ўсимлик хом ашёси ва иккиламчи маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда дафне *Daphne mezereum L.*ни доривор шакллари ишлаб чиқариш имкониятини берувчи, технологик схема таклиф этилади.

8. Ишлаб чиқилган дафнетин олиш технологиясининг иқтисодий самарадорлигининг юқори кўрсаткичлари аниқланди.

9. Олинган дафнетин (7,8-дигидроксикумарин)ни фаол компонентлари ва янги шакллари нозик органик синтез усули ёрдамида кенг спектрли дорилар ишлаб чиқариш учун кимёвий матрица сифатида қўллаш таклиф этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ФЕДЕРАЛЬНОЕ ГОСУДАРСТВЕННОЕ БЮДЖЕТНОЕ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЕ УЧРЕЖДЕНИЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ
РОССИЙСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ Д.И. МЕНДЕЛЕЕВА**

ШЛЫКОВ ИЛЬЯ ВЛАДИМИРОВИЧ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ИЗВЛЕЧЕНИЯ
ДАФНЕТИНА (7,8-ДИГИДРОКСИКУМАРИНА)
ИЗ *DAPHNE MEZEREUM L.***

02.00.14 – Технология органических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Диссертация выполнена на кафедре Экспертизы в допинг- и нарконтроле Факультета химико-фармацевтических технологий и биомедицинских препаратов РХТУ им. Д.И. Менделеева.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английском (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу (ik-kimyo.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «Zivonet» (www.zivonet.uz).

Научный руководитель: **Арсланов Шарафутдин Султанович.**
Доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Сайфутдинов Рамзиддин.**
Доктор технических наук, профессор

Холиков Турсунали Суюнович.
Доктор химических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «30» июня 2025 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz, Административный корпус Ташкентского химико-технологического института, 2 этаж, конференц-зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована под номером _____). Адрес: (100011, г. Ташкент, Шанхантахурский район, улица А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан « » _____ 2025 года

(Протокол рассылки № _____ от « » _____ 2025 года)

С. М. Туробжанов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, академик, д.т.н., профессор.

Х.И. Кадиров

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор.

Г. Рахмонбердиев

Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор.

Введение (аннотация к диссертации на соискание ученой степени доктора философии PhD)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Уделяя большое внимание совершенствованию программ здравоохранения населения во всем мире, медицинское обслуживание повышает экономическую и туристическую привлекательность стран. Гарантия доступа населения к различным лекарствам является ключевым аспектом национальной безопасности. Химическая и фармацевтическая отрасли активно применяют лекарственные растения в качестве сырья для создания медикаментов с фармакологическими свойствами. Например, растения, содержащие кумарины, используются для лечения таких заболеваний, как сердечно-сосудистые расстройства, кожные болезни и злокачественные опухоли. При этом используются препараты: аммифурин, бероксан и псорален, которые помогают при лейкодерме и других формах. Для лечения облысения применяют поседанин, а также спазмолитики, такие как атамантин, пастинацин, либанотин, эскузан, вазотонин, вазокастан. Особую важность здесь представляют медикаменты для снижения тонуса коронарных сосудов и антитромботические препараты.

Во всем мире проводятся научные исследования по изучению химического состава растений, выявлению новых источников высокоэффективных лекарственных препаратов. В связи с этим такое растение вида "*Daphne mezereum L.*", могло бы представлять особый интерес для извлечения органических веществ, входящих в его состав, создания и апробации промышленно целенаправленных технологий производства ценных препаратов, переработки и технологий идентификации и разделения.

В настоящее время в Российской Федерации внимание уделяется изучению природе токсичных компонентов, например в растении "*Daphne mezereum L.*", а также выявлению и использованию энерго- и ресурсосберегающих технологий экстрагирования, определению новых источников высокоэффективных лекарственных препаратов, систем их переработки и достижению значимых научных результатов. В стратегии развития Российской Федерации определены такие важные задачи, как "Дальнейшее развитие потенциала местных отраслей промышленности, внедрение стандартов, соответствующих внешнему рынку и международным требованиям", в том числе "полное использование существующих возможностей". В связи с этим совершенствуются инновационные технологии в области охраны здоровья человека, сбора, транспортировки, хранения и переработки лекарственных растений.

Выдвигаются и доказываются научные теории, подтверждающие что корневая система многолетнего растения, например Волчегородника обыкновенного *Daphne mezereum L.* является центром биосинтеза. Особое значение имеют исследования на примере этого растения, направленные на то, чтобы показать, что органическое вещество дафнетин (7,8-дигидрокумарин)

накапливается в корневой системе (аккумуляция) и распределяется по всему растению.

В определенной степени данное диссертационное исследование служит выполнению задач, поставленных: Указом Президента Российской Федерации от 28 декабря 2024 г. № 4146 "О стратегии развития на 2030-2036 годы", № 651/172 от 8 апреля 2014 г. "О стратегии развития химического и нефтехимического комплекса на период до 2030 года", "Сводной стратегией развития обрабатывающей промышленности Российской Федерации до 2030 года и на период до 2035 года", утвержденной распоряжением Правительства РФ от 6 июля 2020 года № 1512-р, "Стратегией развития фармацевтической промышленности Российской Федерации на период до 2030 года", утвержденной распоряжением Правительства РФ от 7 июня 2023 г. № 1495-р.

